

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА  
СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО  
МАРКАЗИ**

**«Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини  
ривожлантириш асосида тармоқда қўшилган қиймат  
занжирини яратиш йўллари»**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция  
материаллари тўплами**

*(2023 йил 15 декабрь)*

**ТОШКЕНТ – 2023**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА  
СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО  
МАРКАЗИ**

**«Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини  
ривожлантириш асосида тармоқда қўшилган қиймат  
занжирини яратиш йўллари»**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция  
маърузалари тўплами**

*(2023 йил 15 декабрь)*

**ТОШКЕНТ – 2023**

очлик, қашшоқликка қарши курашга, шаҳарга нисбатанқишлоқ аҳолиси турмуш даражасидаги тенгсизликни бартараф этишга ҳамда табиий ресурсларва маданий хилма-хилликни сақлаб қолишгаёрдан беради. Шуларни инобатга олган ҳолда,кўпчилик мамлакатларда органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратишга, уларни ҳар томонлама қўллабқув-ватлашга алоҳида эътибор қаратилиб келмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, сўнги 10 йил ичида органик қишлоқ хўжалиги барқарор равишда ривожланиб боришига қарамасдан, бугунги кунда органик маҳсулотларга бўлган талаб таклифдан анча юқори бўлиб қолмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.10.2018 йилдаги ПҚ-3978-сонли “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2020 йилдаги ПФ-5995-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Фармони.
3. Вазирлар Маҳкамаси 18.11.2020 йилдаги “Органик маҳсулотлар ва хомашёлар ҳамда органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлигига доир айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш туғрисида” 729-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш Концепцияси.
5. Абдуназарова Г. Органик деҳқончилик: истиқбол сари қадам // Солиқ ва божхона хабарлари молиявий иқтисодий газета. №35-сон, 2014 йил.

#### **З.Н.ИШНИЯЗОВ,**

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази таянч докторанти

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ПАХТА ЕТИШТИРИШДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ХУСУСИДА**

Давлатимиз раҳбари томонидан сўнги йилларда мамлакат аграр соҳасининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликни ислоҳ қилиш юзасидан бир қатор тегишли қарорлари қабул қилинди ва соҳани ривожлантиришда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, пахта хом-ашёсига давлат бюртмасини бекор қилиниши, қатъий нарх белгилаш амалиётидан воз кечилиши, соҳада хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига мос янги кластер тизимини жорий этилиши, умуман пахта етиштирувчи ва харид қилувчилар ўртасида шартмавий муносабатларни такомиллаштирилиши маҳсулот етиштирувчилар ва харид қилувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширди.

Жорий йилда 140 та пахта-тўқимачилик кластерлари ва 32 мингга яқин фермер хўжаликлари томонидан 136 та туманда 1 млн 12 минг гектарда соҳа олимлари тавсиялари асосида ҳудудларнинг табиий иқлим шароити мос 28 та районлашган ва 17 та истиқболли ғўза навлари экилди.

Дунё бўйлаб юз бераётган глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сони ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига мослашиш тадбирларини ишлаб чиқиш, самарали иқтисодий механизмларни жорий қилиш билан бирга, озиқ-овқат таъминотини яхшилаш борасидаги илмий изланишларни кенгайтириш каби вазифалар пайдо бўлмоқда.

Мутахассислар фикрича 2050 йилга бориб дунё аҳолиси сони 9,6 миллиардга етишини инобатга олганда, озиқ-овқат етиштиришда мавжуд аграр ресурслардан тежамли фойдаланиш масаласи ўта долзарбланиши. Бу борада республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан пахтачиликда ресурслардан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни амалиётга жорий этишни рағбатлантириш масаласи давлат этиборида турган масала ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сонли “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш тизимини кенг жорий қилиш учун қулай шароит яратиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, пахтачиликда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни иқтисодий рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, пахта хомашёсини етиштиришда илмий асосланган агротехника тадбирларини амалга ошириш ва суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этишда жиддий қолоқликларга йўл қўйилаётганлиги, томчилатиб суғориш технологияси жорий этиш, мазкур технологияларни қўллаётган хўжаликларни, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимлари ва ушбу тизимларни бутловчи қисмлар билан таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Пахтачиликда кластер тизими жорий этилиши, давлат буюртмаси тўлиқ бекор қилиниши оқибатида, бугунга келиб етиштирилган пахта хом ашёси тўлиқ республикада қайта ишланмоқда.

Юқоридагилар билан биргаликда ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги фани ва техника тараққиёти ютуқларидан, илғор тажрибалардан пахтачилик тармоғида кенг фойдаланиш – ресурслар танқислиги тобора кучайиб бораётган, ер ва сув ресурслари сифати ёмонлашиб, экологик муаммолар туфайли атроф муҳит ифлосланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Демак, экологик муаммоларнинг инсонлар учун ҳавфи ортиб бораётган бугунги даврда пахтачилик тармоғини ривожлантиришнинг муқобил, экологик ҳавфсиз усулларида ҳам фойдаланиш зарурати ортмоқда.

Қишлоқ хўжалигида пахтачилик тармоғини илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш борасида, юзага келаётган экологик ифлосланиш ҳолатлари, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган озиқ-овқат, атмосфера, ичимлик суви таркибида жонли мавжудотлар учун зарарли кимёвий бирикмалар қўпайиши, тупроқ механик, агрокимёвий ва мелиоратив ҳолати ёмонлашуви каби ҳолатлар пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги илм-фани, пахтачилик соҳасида маҳсулот етиштиришни ташкил этиш жараёни экологик мувозанатни сақлашдек долзарб вазифа ижроси билан биргаликда олиб берилиши лозим. Бу эса ўз навбатида экологик ҳавсизликни таъминловчи инновацион технологиялар, экологик агротехника ва экологик тадбирларни амалга оширишни рағбатлантирувчи ижтимоий-иқтисодий механизмларни амалиётга мунтазам жорий этиб боришни тақозо қилади.

Табиат бойликлари, бизга табиат инъом қилган табиий ресурслар биз ўйлаганчалик барқарор ва битмас-туганмас, ҳар доим қайта тикланаверувчи ресурслар бўлмасдан, балки жуда камёб, аксарият ҳолларда ўрнини тўлдириб ёки қайта тиклаб бўлмайдиган тавсифга эгаллигини ҳаёт исбот қилмоқда. Шунинг учун ҳам табиий ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланиш, исрофгарчиликлар олдини олиш ва ифлосланишга йўл қўймаслик, энг муҳими фойдаланилган ресурслар ўрнини тўлдирувчи технологиялардан (масалан, ҳосил йиғиб олингандан кейин тупроққа чиринди ва озиқ моддаларини қайтариш) фойдаланиш масаласи фақатгина экологик масала бўлмасдан, иқтисодий муаммо ҳам ҳисобланади.

**Бундан шундай назарий хулоса чиқариш мумкин:** атроф муҳит ифлосланиши қачон муаммога айланиши мумкин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида аҳоли яшаш ҳудудини ифлосланиши натижасида инсон ҳукуқи паймол этилган бўлса. Ушбу мулк ҳуқуқнинг тикланиши ифлосланиш муаммосининг бартараф этилганлигидан далолат беради (экологик

муаммо манбаи бартараф этилмаган бўлсада). Аммо, бундай шароитда мулк хуқуқлар доимий равишда зиддиятда мавжуд бўлади. Чунки, пахта хом ашёси ёки инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи захарли кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг жамият учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариб даромад қилиш билан боғлиқ ҳуқуқи ва жамиятнинг бошқа аъзоларининг тоза сув ичиш, тоза ҳаводан нафас олиш ва соғлом ҳаётда яшаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларининг ўзаро зиддияти пайдо бўлади.

Бунда атроф муҳитнинг ифлосланиши жараёни давом этиши пахтачилик соҳасининг ривожланиши билан бир вақтда юз берувчи, тўлиқ баратараф этиш имкони бўлмаган муаммо сифатида қабул қилинган ҳолда, ифлосланиш даражасини камайтириш ва ифлосланиш даражасини кам зарарли чегарада ушлаб туриш масаласи устида гап боради.

**Юқоридаги илмий-амалий хулосалар асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:**

- кишлоқ хўжалигида экин майдонларни унумдорлигини оширишда маҳаллий органик ўғитлардан кўпроқ фойдаланиши лозим;
- пахтачиликка ихтисослашган агрокластерлар экин майдонларига яқин яшовчи аҳолига экологик зарар етказмаслиги лозим;
- ҳар бир оилада экологик тарбия бўлиши мақсадга мувофиқ;
- агрокластерларда пахта етиштириш жараёнида кимёвий воситалардан фойдаланишда илмий асосланган меёрларда фойдаланиш лозим;
- бошқа оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орақли мунтазам равишда экологик тарбияга оид ахборот, маълумотлар, тавсиялар бериб боришни йўлга қўйиш экологик муаммоларни олдини олади;

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хушматов Н.С. Ёўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари.- Тошкент: Янги аср авлоди, -2004. 123 б.
2. Бекназаров У.Ф., Мырзаев Б.Ж. Пахтачилик тараққиёти ва экологик маслаҳат тизимини ривожлантириш узвийлиги. /- Тошкент, ЎзБИИТИ, 2007, -57-58-б.
3. Муаллифнинг илмий- амалий изланишлари натижалари.

**E.Sh.QUDRATOV,**

Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi sohasida strategik rivojlanish va tadqiqotlar xalqaro markazi  
tayanch doktoranti

### **HOZIRGI DAVRDA MAMLUKATIMIZDA MAVJUD YAYLOV YERLARINING HOLATI**

Dunyo mamlakatlarida bugungi kunda eng dolzarb muammolardan biri bu global iqlim o'zgarishi bo'lib bu hol barcha jabhalar kabi yaylov yerlariga ham o'z salbiy ta'sirini o'tkazmoqda. Ayniqsa, iqlim o'zgarishi, bio xilma-xillik va tabiiy resurslarning qisqarishi, suv resurslarining tanqisligi, qurg'oqchilik, oziq-ovqat xavfsizligi kabi muammolar XXI asrga kelib global darajada shiddatli tus olmoqda. Alohida ta'kidlash joizki shunday muammolar girdobida qolayotgan tabiiy resurslardan biri bo'lgan yaylov ekotizimlarining ahvoli kundan kunga yomonlashib bormoqda. Yaylov hududlari butun dunyo quruqlik mintaqasining 1/3 qismini, Markaziy Osiyo mintaqasining 2/3 qismini, O'zbekistonning esa qariyb 1/2 qismini yoki 47 foiz maydonini yaylovlar egallaydi.

Mamlakatimiz iqlim sharoitiga ko'ra, o'rta qurg'oqchil hududda joylashgan bo'lib, umumiy maydoni 2021 yil 1 yanvar holatiga ko'ra 44892,4 ming gektarni, shundan qishloq xo'jaligi yerlari 24057,1 ming gektarni (umumiy maydonga nisbatan 53,59 foizni), yaylov va pichanzorlar esa 21100 ming gektarni (umumiy maydonga nisbatan 47 foizini) tashkil etadi. Yaylovlar tog', tog'-oldi hududlarida 21 foiz va cho'lliklarda 79 foiz bo'lib, o'rmon fondi yerlari 26,78 foizini (umumiy maydonga nisbatan 12021,4 ming gektarni) tashkil etadi.

|                                                                                                                                                                       |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| достижения продовольственной безопасности.....                                                                                                                        |     |
| 55. QODIROV A.M., AXMEDIYEVA A.T., FAZLIDDINOV A.Z. Boshqaruvni nomarkazlashtirish sharoitida qishloq hududlarini iqtisodiy rivojlantirishning kooperativ modeli..... | 143 |
| 56. НАРБАЕВ Ш.К. Қишлоқ хўжалиги ерлари деградацияси ва унинг оқибатларини бартараф этиш усуллари.....                                                                | 146 |
| 57. ЧОРИЕВ Қ.А., КАСИМОВА Н. Боғдорчилик соҳасини инновацион ривожлантиришда кластерларнинг ўрни.....                                                                 | 148 |
| 58. FAYZIYEVA SH.SH., ABIDDINOV B.B., ESHIMOVA F.T. Qishloq xo'jaligi kooperatsiyasi faoliyatining davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi.....                        | 152 |
| 59. XALLIYEVA N.R., IZOMOV S.A. O'zbekistonda sanoat kooperatsiyasini yanada rivojlantirish va import qilinadigan mahsulotlar tuzilmasini boshqarish.....             | 154 |
| 60. ЧАРИЕВ Қ., АЗИЗОВ Ш., Қўшилган қиймат назарияси ва унинг деҳқон хўжаликларида шаклланиш муаммолари.....                                                           | 157 |
| 61. СОБИРОВ И.Х., ЭРГАШЕВА И. Ўзбекистонда рақамли банкни ривожлантириш муаммолари.....                                                                               | 160 |
| 62. НАРБАЕВ Ш.К., АХМАДАЛИЕВ В.А. Яйлов ерлари ва табиий ўсимликларини ўрганиш ҳамда баҳолашда масофадан зондлаш усулларида фойдаланиш.....                           | 162 |
| 63. МУХТОРОВА Ч. Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ ҳудудлари ижтимоий масалаларини кооперация тизими асосида ҳал этишнинг айрим жиҳатлари.....                      | 164 |
| 64. АНМЕДОВ Ш.У. Qishloq xo'jaligidagi mehnat muhofazasi talablari.....                                                                                               | 165 |
| 65. ҚУРБОНКУЛОВА У.Х., ХОЛИҚОВ А.Т. Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий экилган соя ва мошнинг дон ҳосилдорлиги.....                                 | 167 |
| 66. АБДУКАРИМОВА М. Ўзбекистонда малакали кадрлар захирасини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари.....                                                                    | 168 |
| 67. RANMONOV X.X. Evaluation of factors of competitiveness of light industries.....                                                                                   | 170 |
| 68. АХМЕДОВ Ж.А. Такрорий экин етиштириш самарадорлигини ошириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш йўллари.....                                               | 173 |
| 69. САОДАТОВ Ф.Ж. Аграр соҳада кичик бизнесда қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда таҳлилнинг аҳамияти.....                                                      | 176 |
| 70. СОБИРОВ И.Х., Г.КАРАЖАНОВА. Бизнес қийматини даромад ёндашувида баҳолашнинг амалий масалалари.....                                                                | 178 |
| 71. ШЕРКАБИЛОВ Ш.А. Картошқачиликда кооперация муносабатларини ривожлантириш тармоқ ривожланишининг асосий омили сифатида.....                                        | 181 |
| 72. MAMANAZAROVA N.J., MIRJAMILOVA H.N. Kooperatsiyani rivojlantirishda jahon tajribasi va uni mamlakatimiz qishloq xo'jaligida tadbiq etish asoslari.....            | 183 |
| 73. YULDOSHEVA SH. A., XOLTO'RAEV A.B. Mamlakatda meva-sabzavot kooperatsiyasini rivojlantirish imkoniyatlari .....                                                   | 185 |
| 74. НАЗАРОВА М.С. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги ва саноат кооперациясини шакллантиришнинг назарий асослари.....                                       | 187 |
| 75. ХАМДАМОВА Г.Т. Органик қишлоқ хўжалигининг иқтисодий-ижтимоий асослари.....                                                                                       | 190 |
| 76. ИШНИЯЗОВ З.Н. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида пахта етиштиришда келиб чиқадиган экологик муаммолар хусусида.....                                                    | 192 |
| 77. QUDRATOV E.Sh. Hozirgi davrda kunda mamlakatimizda mavjud yaylov yerlarining holati.....                                                                          | 194 |
| 78. СОБИРОВА Н. Бизнес(корхона) қийматини аниқлашнинг таққосланма ёндашув усуллари.....                                                                               | 196 |
| 79. SOBIROVA M.H. O'zbekistonda meva-sabzavot kooperatsiyalarini tashkil etishda xorijiy tajribalaridan foydalanish.....                                              | 198 |
| 80. ЯҚУБОВА Х.У., АЛИМОВ А.А. Деҳқон хўжаликлари фаолиятида кооперация муносабатларини барқарор ривожлантириш.....                                                    | 199 |